



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIOVIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

11 (61) 2023

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.А. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ГУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
ХАСАНОВА Д.А.
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

11 (61)

2023

ноябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.10.2023, Accepted: 27.10.2023, Published: 10.11.2023.

УДК 616.314-089.23-053.5

БОЛАЛАРДА МОЛЯР ТИШЛАР ЙЎҚОТИЛИШИ ОҚИБАТИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ДЕФОРМАЦИЯЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Алиев Ҳамидулло Расулович. Email: AlievH@mail.ru
Саидов Акбар Аҳмадович <https://orcid.org/0009-0009-7535-9839>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Илмий изланишда болаларда доимий тишларни эрта йўқотиши оқибатида келиб чиқадиган тиш-жағ тизимидаги деформацияларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришни ўзига хослиги кўрсатилган. 6-18 ёшдаги доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформациялари бўлган 1А гуруҳ (85 нафар бола) – ортодонтик даволаш олиб борилгандан кейин ацетал пластмассали олинадиган микро протезлар билан нуқсон ўрни тўлдирилди. Парадонтнинг яллигланиш касалликлари профилактикаси мақсадида Гингинорм табиий ўсимликлардан олинган воситадан кунига 3 маҳал 15-20 мин. овқатдан олдин чайқаш буюрилди. 1Б гуруҳ (45 нафар бола) – ортодонтик даволаш ва базавий терапия қўлланиб нуқсон ўрни тўлдирилди. Оддий пластмассали олинадиган микро протезларга нисбатан даволаш самарадорлиги 95 % ни ташкил этди.

Калит сўзлар: ортодонтик даволаш, тиш-жағ тизими деформациялари, ацетал микро протез.

УЛУЧШЕНИЕ ПРОФИЛАКТИКИ ДЕФОРМАЦИЙ, ВЫЗВАННЫХ ПОТЕРЕЙ КОРЕННЫХ ЗУБОВ У ДЕТЕЙ

Алиев Х.Р. Email: AlievH@mail.ru
Саидов А.А. <https://orcid.org/0009-0009-7535-9839>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Научные исследования показали специфику улучшения ранней диагностики, лечения и профилактики деформаций зубного ряда, вызванных ранней потерей постоянных зубов у детей. В результате постоянной потери зубов в возрасте 6-18 лет место дефекта было заполнено съёмными микропротезами с ациальной пластикой после проведения ортодонтического лечения группы 1А (85 детей) с деформациями десен. С целью профилактики воспалительных заболеваний пародонта Гингинорм получают из средства из натуральных растений по 15-20 мин 3 раза в день. было предписано взбалтывать перед едой. Группа 1В (45 детей) – для заполнения дефекта применялось ортодонтическое лечение и базисная терапия. Эффективность лечения по сравнению со съёмными микропротезами из обычной пластмассы составила 95%.

Ключевые слова: ортодонтическое лечение, зубочелюстные деформации, ацеталевый микропротез.

IMPROVING THE PREVENTION OF DEFORMITIES CAUSED BY THE LOSS OF MOLARS IN CHILDREN

Aliev H.R. Email: AlievH@mail.ru
Saidov A.A. <https://orcid.org/0009-0009-7535-9839>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan,
Bukhara, st. A. Navoi. 1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

Scientific studies have shown the specifics of improving the early diagnosis, treatment and prevention of deformities of the dentition caused by the early loss of permanent teeth in children. As a result of permanent tooth loss at the age of 6-18 years, the defect site was filled with removable microprostheses with acinal plasty after orthodontic treatment of group 1A (85 children) with gum deformities. In order to prevent inflammatory periodontal diseases, Ginginorm is obtained from a remedy from natural plants for 15-20 minutes 3 times a day. it was prescribed to shake before eating. Group 1B (45 children) – orthodontic treatment and basic therapy were used to fill in the defect. The effectiveness of the treatment compared to removable microprostheses made of ordinary plastic was 95%.

Keywords: orthodontic treatment, dental deformities, acetal microprosthesis.

Долзарблиги

Хозирги вақтда стоматологик касалликлар барча касалликлар орасида етакчи ўринни эгаллайди, стоматологик ёрдам эса жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари орасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг энг катта шакли саналади. Болаларда стоматологик касалланиш даражаси ҳаётнинг кейинги йилларида сезиларли даражада индивиднинг саломатлиги ҳолатини белгилайди, шунинг учун болаларда стоматологик касалликларнинг тарқалиши ва интенсивлиги тўғрисидаги маълумотлар объекти мутахассислар эътиборини юқори даражада ўзига жалб қилмоқда.

Тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари мактаб ёшидаги болалар орасида стоматологик касалликлар тарқалиши бўйича иккинчи ўринда туради. Уларни ташхислаш ва даволаш ортодонтиядаги долзарб вазифалардан бири саналади. Улар чайнаш функцияларига таъсир қилиб, нутқ бузилишлари, эстетик нуқсонларга олиб келиб, инсон салоҳиятини намоён қилишни чекланишига олиб келади, оқибатда ҳаёт сифатини сезиларли равишда пасайтиради.

Бугунги кунда мамлакатимизда соматик касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш, болалар учун соғлом муҳит яратиш, шунингдек, стоматологик касалликларни даволаш ва олдини олиш борасида аҳолининг турли қатламлари ўртасида амалий ишлар амалга оширилмоқда. Юқорида айтиб ўтилганларнинг барчаси, мақсадли эпидемиологик тадқиқотлар зарурлигини белгилаб беради. Шунингдек, мактаб ёшидаги вақтинчалик, алмашинув ва доимий тишлов давридаги болаларда тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларини даволашнинг турли усуллари самарадорлигини аниқлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси болаларда доимий тишларни эрта йўқотиш натижасида тиш-жағ тизимида келиб чиқадиган деформацияларни ташхислаш, даволаш ва профилактикага янгича ёндашувларни зарур эканлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот мақсади: болаларда доимий тишларни эрта йўқотиши оқибатида келиб чиқадиган тиш-жағ тизимидаги деформацияларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Материал ва усуллар

Тақиқот давомида 150 нафар болаларни текширдик, шу жумладан 120 нафар доимий тишларни эрта йўқотиш оқибатида келиб чиқган тиш-жағ тизимида деформацияси бор болалар. Улар Бухоро давлат тиббиёт институти “Стоматология ўқув-илмий-амалий маркази”га стоматолог мутахассисига даволаниш учун мурожаат қилганлар. Болаларни диагностика жараёни В.Н.Копейкиннинг (1998) таклиф қилган усулига мувофиқ равишда икки босқичга бўлинди. Биринчи босқичда – бевосита бемордан олинган ахборот тўпланди ва таҳлил қилинди, унинг тишларни йўқотиш сабаби ва қандай ривожланганлиги ҳақидаги фикри тингланди. Иккинчи босқичда – объектив аломатлар белгиланди, беморнинг батафсил кўриги ўтказилди [1.3.5.7.9.11.13.15.17.19].

Оғиз бўшлиғида стоматологик ҳолатни ўрганиш ва баҳолаш учун (ОБ гигиена ҳолати, пародонтологик индекс, кариес кўрсаткичлари, ТЖТ (тишлар, жағ, юз, бош, юз) морфометрик параметрлари), Бухоро шаҳрида яшовчи, 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган иккала жинсда ҳам бўлган 150 нафар текширилувчининг барчасидан анамнестик ва тиббий-ижтимоий маълумотлар олинди; улардан 80 нафар ўғил бола (53,33%) ва 70 нафар қиз бола (46,66%). Улардан 130 нафар текширилганлар доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида

деформациялари бўлган болалар (асосий гуруҳ – АГ) ва 20 нафар текширилувчилар нормал тишловли (назорат гуруҳи – НГ) (1-жадвал).

1-жадвал

Текширилган болалар гуруҳлар бўйича тақсимланиши, n=150

Жинси	Назорат гуруҳи, n=20				Асосий гуруҳ, n=130				Жами			
	abs	M(%)	M	P	Abs	M(%)	m	P	abs	M(%)	M	P
Ўғил болалар	12	8,00	2,38	Хи-квадрат = 0,132; p = 0,714	68	45,33	4,20	Хи-квадрат = 1,78; p = 0,182	80	53,33	4,20	Хи-квадрат = 1,829; p = 0,176
Қиз болалар	8	5,33	2,54		62	41,34	4,01		70	46,67	4,20	
Жами	20	13,33	3,47		130	86,67	3,47		140	100,0	0,00	
P	Хи-квадрат Пирсона = 0,087; p = 0,764											

Профилда юз баҳоланганда пастки жағ танасининг шакли, бурчак ўлчами ва четининг рельефига эътибор қаратилди. Анфасда нисбатларни баҳолаганда юзнинг симметрияси, вертикал нисбати, ўрта линияга нисбатан тишлар симметрияси, лабларнинг ёпилиш характери ва қатламларнинг ифодаланганлигига эътибор берилди. Юмшоқ тўқималар кўрикдан ўтказилганида лаб қизил ҳошиясининг ҳолати ва тил юзалар, лаблар, милк чети, маргинал пародонт, лаблар ва тилнинг юганчаси бириккан жой, танглай ҳолати ва ўлчамига эътибор қаратилди.

Қаттиқ тўқималарнинг ҳолати, мавжуд бўлмаган тишлар, тиш ёйларининг шакли, алоҳида тишларнинг аномалиялари, мавжуд бўлмаган тишлар соҳасида альвеоляр ўсимта конфигурацияси баҳоланди. Оғиз очилганида ва ёпилганида пастки жағ ҳаракатининг равонлиги, бўғим бошчаларининг экскурсияси, уларнинг бўғим чуқурчаларида жойлашуви баҳоланди. Сагиттал, вертикал ва трансверзал йўналишларда тиш қаторларининг туташуш характери баҳоланди. Ташхиснинг функционал қисми қўйилишини динамик намуналар билан ўтказилди (нафас олиш, нутқ, ютиш).

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқот натижалари -доимий тишларни йўқотиш оқибатида келиб чиқган тиш қаторлари деформациялари бор болаларда гигиеник индекс 14-18 ёшли болалар гуруҳида энг юқори кўрсаткич 2,6 ни ташкил этди. Назорат гуруҳида эса энг юқори кўрсаткич 6-9 ёшли болалар гуруҳида 1,21 ни ташкил этди.

2-жадвал

Доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформациялари бўлган болалар ва соғлом болалар гуруҳида ГИ кўрсаткичлари

Болалар ёши	ГИ						P
	Назорат гуруҳи, n=20			Асосий гуруҳ, n=130			
	N	M	Σ	n	M	Σ	
6-9 ёш	6	1,21	0,18	20	1,76	0,21	<0,001
10-13 ёш	7	1,10	0,16	23	1,80	0,23	<0,001
14-18 ёш	2	1,20	0,27	87	2,80	0,56	<0,001
Жами	20	1,17	0,25	130	2,59	0,65	P<0,001

Изоҳ: P - Назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик фарқи

Доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформациялари бўлган болаларни даволаш босқичма-босқич ўтказилди:

1) Тайёргарлик даври оғиз бўшлиғини тозалаш ва кариес профилактикаси бўйича тадбирлар ўтказиш, жарроҳлик тайёргарлиги, миогимнастика машқлари, зарарли одатларни бартараф қилиш, бурундан нафас олишни меъёрлаштиришни кўзда тутди.

2) Даволаш даври тиш ёйлари шаклини меъёрлаштирадиган ортодонтик аппаратдан фойдаланиш, юқори ва пастки жағ тишлари ҳолатини тузатиш, тиш қаторлари кенглигини меъёрлаштириш, окклюзион текисликни тузатишни кўзда тутди. Бунинг учун турли элементлардан иборат олинadиган ортодонтик аппаратлар, тиш алвеоляр ёйлари кенгайтириш учун аппаратлардан ва йўқотилган тишлар ўрнига ацитал пластмассалардан микропротезлардан фойдаланилди.

3) Ретенцион даврда юқори ва пастки жағ тишларининг якуний тўғрилаш ўтказилди, олинмайдиган ретейнер, олиб қўйиладиган ретенцион аппаратлар ёрдамида зич фиссур-контактга эришиш йўли билан олинган натижалар барқарорлаштирилди.



1-расм. Бемор А., 15 ёш. Пастки жағнинг қисман иккиламчи адентияси (36 тиш йўқ).

Беморларни ортодонтик даволашда анъанавий даволаш усулларидан асосан олинadиган ортодонтик аппаратлардан фойдаланилди. Даволаш натижалари даволаш давомийлиги, ташрифлар сони, ижобий натижа билан тугаган даволанган болалар сонига кўра баҳоланди. Ортодонтик самара даволашдан олдин ва кейин рентгенологик, назорат-ташхисий моделларни биометрик ўлчаш, фотометрия ёрдамида баҳоланди. Аппаратдан фойдаланиш тартиби даволовчи шифокор томонидан белгиланди ва ортодонтик аппарат таъсир механизмига асосланиб аппаратдан қай тарзда фойдаланиш беморларга тушунтирилди. Кузатув давомийлиги 1 йилдан 3 йилгача бўлди. Назорат гипс моделлари ёрдамида ўтказилди [2.4.6.8.10.12.14.16.18].

Ортодонтик конструкцияларга мослашишни яхшилашга қаратилган тиббий профилактик тадбирлар самарадорлигини баҳолаш мақсадида, аппарат билан даволаш учун 6-18 ёшдаги доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформациялари бўлган бор 130 нафар бола олинди. Асосий гуруҳдаги текширилувчи болалар 2 гуруҳга ажратилди.

1А гуруҳ (доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформациялари бўлган 85 нафар бола) – ортодонтик даволаш олиб борилгандан кейин ацитал пластмассали олинadиган микро протезлар билан нуқсон ўрни тўлдирилди. Парадонтнинг яллиғланиш касалликлари профилактикаси мақсадида Гингинорм табиий ўсимликлардан олинган воситадан

кунига 3 маҳал 15-20 мин. овқатдан олдин чайқаш буюрилди ва асоратларни ривожланишига йўл қўймайди.

1Б гуруҳ (доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформациялари бўлган 45 нафар бола) –ортодонтик даволаш ва базавий терапия қўлланиб нуксон ўрни тўлдирилди .

Доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформациялари бўлган болаларда ортодонтик даволашдан 6 ой кейин оғиз бўшлиғи ва парадонт тўқималарининг гигиена ҳолати ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Тақдим этилган маълумотлар ортодонтик аппаратлар ёрдамида фаол даволашни бошлашдан олдин даволаш ва профилактика чора-тадбирлар ўтказиш зарурлигини оклади. Барча гуруҳлардаги болаларда оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенаси амалга оширилди: “Тушунари стоматология” дастуридан фойдаланган ҳолда мотивация пайдо қилиш, оғиз бўшлиғининг индивидуал гигиенасини ўргатиш, тиш тошларини инструментал олиб ташлаш билан тишларни профессионал тозалаш, гигиена воситалари ва усуллари танлаш. Даволаш-профилактика тадбирларини тайёргарлик босқичи ўтказилгандан сўнг болаларнинг иккинчи клиник текшируви ўтказилди.

3-жадвал

Доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформацияларини ортодонтик даволашдан 6 ой кейин оғиз бўшлиғи ва парадонт тўқималарининг гигиена ҳолати

Кўрсаткич	Текшириш гуруҳлари				P
	Назорат гуруҳи (n=20)		Асосий гуруҳ (n=130)		
	M	S	M	S	
РМА%	12,87	0,68	15,51	0,58	P<0,001
P1	P>0,05		P<0,001		
Шиллер-Писарев синамаси	1,01	0,05	1,32	0,41	P<0,001
P1	P>0,05		P<0,001		
Қонаш	0,12	0,02	0,15	0,05	P<0,001
P1	P>0,05		P<0,001		
Тиш тошлари	0,06	0,01	0,15	0,01	P<0,001
P1	P<0,001		P<0,001		
СРІТN	0,18	0,05	0,17	0,05	P>0,05
P1	P<0,001		P<0,001		

Изоҳ: P – Назорат гуруҳига нисбатан; P1 – Даволашгача нисбатан ишончлилик фарқи

Асосий гуруҳдаги болаларда милклар қонашининг аломати - 25% ҳолларда, назорат гуруҳининг болаларида - 33% ҳолларда аниқланди. Милк усти тиш тошлари дастлаб белгиланган гуруҳларда бир хил частотада 15% болаларда аниқланди.

Тақдим этилган гистограммалар доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформациялари бўлган болаларни ортодонтик даволаш жараёнида ишлатилган профилактик комплексга қараб гигиеник ва пародонтал индекслардаги ўзгаришлар динамикасидаги аниқ фарқларни кўрсатади. "Соғлом болалар" ва " доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформациялари бўлган" гуруҳида гигиена индексларининг дастлабки ҳолатларидаги кичик фарқлар билан пародонтал индексларнинг кийматлари иккинчи ҳолатда сезиларли даражада юқори эканлигини кўрсатади. Даволаш - профилактика чора-тадбирлари ўтказилгач, барча гуруҳларда гигиеник индекслар сезиларли даражада яхшиланиши кузатилди.



3-расм. Доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформациялари бўлган болаларни комплекс даволаш алгоритми

Анъанавий давондан фойдаланилган доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформациялари бўлган болаларни пародонтал кўрсаткичлар таққослаш гуруҳларига қараганда анча юқори бўлди. Ишлаб чиқилган комплекс даво ёрдамида доимий тишларни йўқотиш оқибатида тиш-жағ тизимида деформациялари бўлган болаларни даволаш-профилактика чора-тадбирлари амалга оширилганда, гигиеник индекс кўрсаткичлари стабил бўлиб, пародонтал тўқималарнинг ҳолати соматик соғлом болалар кўрсаткичларига мос ҳолда барқарор бўлди [17.18.19.20.21.22].

Хулоса

Тадқиқот натижаларига кўра тиш қаторларидаги деформациялар болаларни ёш гуруҳига тўғри пропорционал равишда ортиши аниқланди. Ўсмирлар тиш қаторлари ва окклюзион сатҳдаги ўзгаришларни ўрганиб, тиш қаторидаги деформацияни олдини олишнинг замонавий усулларида бири Ацетал пластмасса микро протезлар тайёрланди. Оддий пластмасса олинадиган микро протезларга нисбатан даволаш самарадорлиги 95% ни ташкил этди. Биз даволаган беморлар оддий пластмассадан тайёрланган протезларга нисбатан ацетал пластмасса протез майдони кичиклиги сабабли протезга мослашиш ва кўникишни кам вақт талаб этди. Ишлаб чиқилган комплекс даволаш алгоритми даволаш муддатини қисқартирди ва даволаш самарасини оширишга имкон берди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алиев Х.Р., Саидов А.А. Болаларда моляр тишларни йўқотилиши оқибатида келиб чиқадиган тиш-жағ тизими аномалиялари ва деформацияларининг Бухоро шаҳар мактаб ёшидаги болалар орасида тарқалиш даражасини ўрганиш // Тиббиётда янги кун. Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал 2022;11(49):596-601.
2. Саидов А.А., Азимова Ш.Ш., Ахмедов Х.К. Тишлов аномалиялари ва чакка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болалар оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини баҳолаш // Доктор Ахборотномаси. Илмий- амалий журнал 30.09. 2020;3:70-73.

3. Саидов А.А., Азимова Ш.Ш., Абруев У.Р, Расулов М.М. Тиш-жағ тизими аномалияларининг Бухоро шаҳар мактаб ёшидаги болалар орасида тарқалиши // Доктор Ахборотномаси. – 2020;1:67-71.
4. Саидов А.А., Ғаффоров С.А., Азимова Ш.Ш. Болаларда чакка-пастки жағ бўғими патологиялари ва тиш қаторлари окклюзион бузилишларни боғлиқлигини баҳолаш ва уларни даволаш // Тиббиётда янги кун. Бухоро. 2020;2(26):227-230.
5. Саидов А.А., Азимова Ш.Ш., Ахмедов Х.К. Тишлов аномалиялари ва чакка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болалар оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини баҳолаш // Доктор Ахборотномаси. 2020;3:70-73.
6. H.R. Aliyev., A.A.Saidov Improving the Treatment and Profiling of Deformities Caused by the Loss of Molars in Children // Ilocua Annals of R.S.C.B..ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 4, 2021, Pages. 16151 - 16155 Received 05 March 2021; Accepted 01 April 2021.16137 http : //annal sofrscb.ro
7. Saidov A.A. Assessment of some indicators of oral liquid in children with the pathology of the temior-lower under jaw joint // Asian Journal of Multidimensional Research, Indiya, january 2020;9(1):59-63. Impact Faktor= 6.8
8. Saidov A.A. Hygienic condition of the oral cavity during orthodontic treatment of children with temporomandibular joint dysfunction // The Pharma Innovation Journal. Indiya, 2020;9(6):589-591. Impact Faktor= 5.98
9. Saidov A.A., Olimov S.Sh., Gaffarov S.A., Akhmadaliev N.N. The value of matrix metalloproteases and connective tissue markers in the pathology of temp-jaw joint in children // Journal of critical reviews, 2020;7:44-49.
10. Saidov A.A. Assessment of some indicators of oral liquid in children with the pathology of the temior-lower under jaw joint // Asian Journal of Multidimensional Research , Indiya, january. 2020;9(1):59-63. Impact Faktor= 6.8
11. Saidov A.A. Hygienic condition of the oral cavity during orthodontic treatment of children with temporomandibular joint dysfunction // The Pharma Innovation Journal. Indiya, 2020;9(6):589-591. Impact Faktor= 5.98
12. Saidov A.A., Gaffarov S.A. The role of matrix metalloproteases in early diagnostics in the pathology of the tempo-mandibular joint in children // Актуальные вызовы современной науки. Сборник научных трудов. Переяслав – 2020;4(48)/1:51-52.
13. Saidov A.A., Gaffarov S.A. Evaluation of certain indicators of oral fluid in children with temporomandibular joint pathology // Актуальные вызовы современной науки. Сборник научных трудов. Переяслав – 2020;4(48)/1:53-55.
14. Saidov A.A., Gaffarov S.A. Evaluation of some indicators of oral fluid in children with temporomandibular joint pathology // International journal of Innovations in engineering research and technology- 2020;16-18.
15. Эронов Ё.К. Analysis for determining the features of loshly-yushenko-krasnagorsky in children cerebral perspective with characteristics of the strain composition // Новый день в медицине. – 2020;2(26):272-274.
16. Эронов Ё. К., Ражабов А. А. Estimating the prevalence of caries in children with cerebral palsy // Новый день в медицине. 2020;2(26):634-635.
17. Eronov Y. Q., Mirsalixova F. L. Treatment of chronic catarrhal gingivitis in children with disabilities improvement // World Bulletin of Social Sciences. 2021;3(10):71-74.
18. Eronov Y. Q., Mirsalixova F. L. Diagnosis, prophylaxis and treatment of chronic catarrhal gingivitis in children with disabilities improvement // World Bulletin of Social Sciences. – 2021;3(10):67-70.
19. Eronov Y. Q., Mirsalixova F. L. Dynamics of the prevalence of diabetes and the study of dental status in children of the bukhara region // International Journal of Applied Research. 2019;5:151.
20. Eronov Y. K., Mirsalikhova F. L. Indications for the comprehensive prevention and treatment of dental caries in children with cerebral palsy // Annals of the Romanian Society for Cell Biology. 2021;25(1):5705-5713.
21. Eronov Y. Q., Kamalova M. Q. Evaluation of caries prevalence in children with cerebral palsy // Academia: an international multidisciplinary research journal. 2020;10:85-87.
22. Эронов Ё., Мирсалихова Ф. Имконияти чекланган болаларда суринкали катарал гингивитларни замонавий даволаш усуллари // Медицина и инновации. 2021;1(4):681-685.

Қабул қилинган сана 20.10.2023